

## КУЛОЛЧИЛИК РИВОЖИДА НАРЗУЛЛАЕВ СУЛОЛАСИННИГ ЎРНИ

Култашева Нигорахон Данияровна

Камолиддин Беҳзод номидаги

Миллий рассомлик ва дизайн институт

Санъатшунослик ва музейшунослик факультети

Санат тарихи ва назарияси кафедраси мудири,

доцент, с.ф.ф.д. PhD

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола халқ амалий безак санъатининг кулолчилик турида миллий анъаналар, техникани тиклаш борасида икки асрдан буён фаолият олиб бораётган Нарзуллаевлар сулоласига бағишиланган.

**Калит сўзлар:** Ҳунармандчилик, Ғурумсарой, анъана, сулола, шокоса, печакгул, товоқ, бўртма.

### АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена династии Нарзуллаевых, которые на протяжении двух столетий работали над восстановлением национальных традиций и техник народного декоративно-прикладного искусства в виде керамика.

**Ключевые слова:** Мастерство, Гурумсарай, традиция, династия, шоколад, плющ, тарелка, рельеф.

### ABSTRACT

This article is devoted to the Narzullaev dynasty, who for two centuries have been working to restore national traditions and techniques of folk decorative and applied art in the form of ceramics.

**Keywords:** Masterstvo, Gurumsaray, tradition, dynasty, chocolate, plush, plate, relief.

Ҳар бир миллат ўз ҳунармандлари фаолиятининг натижалари билан фахрланади. Ҳунармандчилик ижтимоий муносабатлар намоён бўлишининг шаклларидан бири сифатида, фақат жамият салоҳиятини оширишга кўмаклашиб қолмайди, балки ҳар бир инсоннинг қобилияти ва маҳоратини намоён қилиш учун қулай замин яратади, миллатнинг бирлашишига, унинг миллий рухи

сақланиб қолишига, миллий бойликларини кўпайтиришга ва бугунги глобаллашув жараёнида миллий белгиларини сақлаб қолишига олиб келади.

Ўзбекистонда кулолчилик ҳунармандчилиги мураккаб даврларни босиб ўтишига тўғрикелган. XX аср ўрталарида унинг машҳурлиги ва анъаналари унутилиб кетишига оз қолди. Иккинчи жаҳон урушининг очарчилик йиллари, ҳунармандларга қарши қураш, мажбурий меҳнат, оммавий ишлаб чиқаришга мажбурлаш, партиявий бадиий уюшмаларнинг чекловлари, бозорнинг йўқлиги – буларнинг барчаси кулолчилик каби асрлар давомида ривожланганбуюк миллий санатни йўқ бўлиб кетиши чегарасига олиб келди. Сулолавий анъана ва билимлар йўқола бошлади, шогирдлар ҳунарни давом эттирмай қўйдилар. Натижада, Ғурумсарой, Каттақўргон, Шахрисабз ва Денов каби йирик кулолчилик бадиий мактаблари йўқ бўлиб кетишига сабаб бўлди. Бироқ, мустақиллик йилларида кўплаб бадиий мактаблар қайта тикланди, ҳунармандларнинг жонбозлиги туфайли анъаналар уйғонди. Бу каби мактаблар орасида Бухородаги кулолчилик мактаблари, хусусан Нарзуллаевалар сулоласининг ўрни катта. Шу сабабли Фиждувон кулолчилиги маркази кесимида уста кулол Алишер Нарзуллаев ижодини ўрганиш долзарб аҳамиятга эга.

Нарзуллаевлар сулоласи ҳақли равишда усто Шарафиддин Фиждувоний билан бошланади. У 1790-йилда туғилиб, узоқ умр кўрган ва 95 ёшида вафот этган. Шарафиддин Фиждувоний ўз маҳоратини ўғли Эргаш Кулолга ўргатиб кетади. Сулоланинг мазкур илк намоёндалари ижодидан намуналар бугунги кунда оиласининг архивида ҳамда Ўзбекистон музейларида сақланади. Эргаш Кулол сулоласи авлодини унинг икки ўғли давом эттирган. Усто Нарзи Эргашев ва усто Тош Эргашев оталари каби машҳур косагар бўлишган. Уларнинг аксарият қисми оила архиви ва музей коллекцияларида яхши сақланиб қолган. Тош Эргашевнинг тақдири фожеавий якун топган. 1937-йилда у сталин репрессияларига учрайди ва сургун қилмнади. Бугунги кунга қадар унинг сургундан сўнгги тақдири ҳақида маълумотлар йўқ. Айнан унинг сургун қилинишидан кейинги даврлар кулолчилик санъатининг ҳам инқирози йиллари бошланади. Умуман ҳунармандчилик, устоз-шогирд анъаналари секин-аста йўқолиб боради. Бу йиллар оралиғида Нарзуллаевлар сулоласида ҳам кўп анъаналар унутилди ва уларни тиклаш учун яна узоқ йиллар талаб этилди.

Кейинчалик сулолавий кулоллар тақдири катта қийинчиликларни бошдан кечирди. Фиждувон кулолчилиги марказида иккитайирик кулоллар бўлган бу усто Нарзуллаевлар ва усто Умаровлар сулоласи. Нарзуллаевлар сулоласи деярли катта авлодларини йўқотган эди ва йўқ бўлиб кетиши остонасида турган эди. Усто

Нарзи Эргашев 1932 йилда вафот этган вақтида, унинг ўғли Ибодулла атиги беш ёшда бўлган. Тош Эргашевдан эса меросхўр қолмаган эди. Усто Усмон Умаров Н. Эргашевнинг аёlinи турмушга олади ва ўғли Ибодуллога оталик қила бошлайди. Шу тарзда икки машҳур кулоллар авлоди ўзаро бирлашади. Усто Ибодулло Нарзуллаев У.Умаров қўлида маҳоратли кулол бўлиб вояга етади. Икки кулолчилик анъаналарини уйғунлаштирган ҳолда кўплаб анъаналарни қайта тиклашга муваффақ бўлади. Шунингдек, у сулолага хос шахсий услубни, техникани яратишга эришади. Айнан Ибодулло Нарзуллаев ижоди ва фаолиятидан йўқ бўлиб кетиши остонасида турган Ғиждувон кулолчилиги маркази қайта тикланади ва ривожлана бошлайди.

Ғиждувон кулолчилик мактабида Нарзуллаевларсулоласи ўрни жуда катта. Айнан Ибодулла Нарзуллаевдан бошланган бу сулола бугунги кунда ўзининг муносиб давомчиларига эга. XX асрнинг иккинчи ярмида Ғиждувон кулолчилик анъаналари Усмон Умаров ва унинг ўғли Ибодулла Нарзуллаевлар ривожлантиришган. Улар турли ҳил косаларни тайёрлаш бўйича уста кулол косагарлар бўлган. Коса ёки шокоса бир неча турларга бўлинган қаймоқкоса, қаймоқ учун, ёки сутни бети учунжир коса, сут учун коса журбон, овқат учун ним коса, кичикроқ ўртacha коса.

Ибодулла Нарзуллаев катта иштиёқ билан қадимги нақшларни ўрганиб янги нақшларни, орнаментларни яратиш устида иш олиб бробган. Шундай нақшларни янгилик қилиб яратганлари товус думи ва сомонийлар мақбараси нақшли лаганларни ўйлаб топган отаси бу нақшларни қўлламаган. У эски қадимги лаганлардан нақшларни чизиб олиб ўзини ясаган маҳсулотларига тадбиқ этган. Булардан даста гул - кичкина гулдаста, лунда даста гул аянма, гулдаста тури. Ленинградда, Эрмитажда бўлганда номаълум Ғиждувонлик уста кулолни 1901- йилдаги яратган иши билан маҳлиё бўлиб қизиқиб қолади, Ғиждувонлик устани нақшида печгул- печакгул бошқа нақш элементлари ислими, думи товус –товус думи, морак – илонча билан уйғунлашиб кетганди. И.Нарзуллев бу ишни каталогдан топди ва ўзини ишларида айнан шуларни такрорлади, енгил ўзгартиришлар киргизди ва бошқа элементлар қўшди.

1960-йилларда усталарни маҳаллий ишлаб чиқариш тизимиға ўтказилиши қийн даврларга олиб келди. 1961 йил И Нарзуллаевни устахонаси тоҳтади ва бекилди. Шу йили Ибодулла Нарзуллаев ва отаси Усмон Умаров Рига шаҳридаги керамика заводига кетишиди, у ерда бир қанча кулолчилик ишларини ишлаб чиқариш шуғулланишиди. Бундан кейин 15 йил давомида 1976 йилгача улар

Тошкентга ва Самарқандда ишладилар, фақат 1976 йилга келиб узоқ қийналишлар ва машақатлардан сўнг Ибодулла Нарзуллаев Ғиждувонга турар жой учун ер олди, лекин фақат устахонани қуришга улгурди. 1978- йили у биринчи маҳсулотини куйдирди ва бундан жудда хурсанд эди. Маҳаллий ҳокимиятнинг тураг жой учун ажратилган ерга Нарзуллаев устахона қургани учун қаршиликларга қарамай, маҳсулотига бўлган паст эҳтиёжига қарамай, қийинчиликларни енгиб И.Нарзуллаев фидокорона меҳнат қилди ва янги маҳсулотлар устида иш олиб борди.

Ўғли Алишер Нарзуллаев бу воқеларни қуидагича хотирлайди: “1978 – йилдан 86 – йиллардан отам рўзгорни тебратиш учун хатто бешиклар учун бешиктувақ, нон ёпиш учун тандир ясади чунки бу маҳсулотлар Бухоро, Ғиждувон, Навои, Шоғиркон, Ромитон ахолиси талабгор эди”. Лекин И.Нарзуллаев ўзини севимли кулолчилигини ҳам эсдан чиқармасдан шуғулланарди ва турли хил бадиий рўзгор буюмларини яратарди. 1979- йил ушбу сатрлар муаллифи Ғиждувонга бўлган сафари чоғида И.Нарзуллаев билан уни устахонасида, узоқ вақт узилишдан кейин, яна ўзини керамик буюмларини яратиш устида ишни бошлаганда, кўринишгамуяссар бўлди.

1970-йиллар охиридаги ишларда хақиқий Ғиждувон керамикаси анъаналарига мос орнамент ва талқин тикланади. Булар турли хил катта бўлмаган идишлар косалар – коса дуюба, шокоса, ширкоса, шокоса лабгардон, коса лабгардон ва бошқалар. Маҳсулотларни қўп қисмини яssi думалоқ ўрта катталиқдаги идиш лаганлар ташкил этади, турли хил ўсимликлар ва зооморф расмлари нақшлари бўлган. Бу нақшлар марказида кенг лотос гули нақши – лунда даста гул нақши стиллаштирилган товус думи нақши, бодом гули нақши ва бошқа гуллар мотувли нақшлар. Уни ишларида Исмоил Сомонийни Бухородаги мақбараси кўриниши алоҳида ўрин тутади.

Уни ўғли Алишер ва Абдулла Нарзуллаевлар бугунги кунда ҳам Ғиждувон керамикаси анъаналарини давом эттиришмоқда. Иккала ака укалар бир мактаб анъаналарида иш олиб боришгани учун биз катта акаси Алишер Нарзуллаевни ишидаги технологик ва ижодий усулларини ҳарактеристикасига алоҳида тўхталиб ўтамиз. Алишер Нарзуллаев уолчилик билан 1978-йилдан бошлаб тўлалигича шуғулана бошлайди. У отасидан қолган буюмлар, идишлар ва эскизлардан фойдаланиб ишлади, бази нарсаларни ёддан қилди. 1990 йилларга келиб шогирд тайёрлай бошлади. Ҳозирда Алишер Нарзуллаевни 100 дан ортиқ шогирди ва ўқувчиси бор, ўғиллари ҳам отасига ишларида ёрдам беришяпти,

Олимжон (1982 - йил туғилған) Обиджон (1984 - йилда туғилған) ва Ақмал (1989 – йилда туғилған).

Алишер Нарзуллаевни сүзига кўра Ғиждувон керамикаси формалари ассортиментини кўпайтиришга эришибди. Шундай қилиб отасини маҳсулотлари тури 20 - 25 турдан иборат бўлса бугунги кунда Алишер 60 турдаги қўйма керамик буюмларни тайёрланади. Бироқ буюмларни асосини буюмларни анъанавий турлари ташкил қиласи, уларни ичида етакчи ўринда ўрта катталикдаги ясси идиш, лаган эгаллайди. Базида бу турдаги лаганлар табак деб номланган. Ғиждувонда турли хил ясси думалоқ идишлар, лаганлар, палов лаган, оқ сафид, лаби гардон, лангари - лангаргаа ўхшаган ва кашкари - катта лагандан ташқари, А.Нарзуллаев формаси қўриниши турлии бўлган косаларни, коса, ним коса, машади коса, дукки коса, суч коса, катта типдаги идиш - паёла, мевалар учун ваза - мевадон, қанд учун - қанд дон, нон учун нон дон, суюқ овқат учун турли ўзига ҳос идишлар тайёрлади. Маҳсулот турларинг кўплиги ва ранг-баранглиги Ғиждувон кулолчилиги ўзига хослигини кўрсатиб беради.

Алишер Нарзуллаев киритган янгиликларидан бири сирланган катта ҳумнинг яратилишидир. Бундай катта ҳумларни оҳирги юз йилда ҳали ҳечким ясамаган. Оҳирги вақтларда асосий иши майший буюмларни тайёрлашдан ташқари буюртмага қоплама плиткасини ва интерер керамикасига оид бошқа маҳсулотларни яратади. Ҳом ашё сифатида Нарзуллаев оқ, қизил ва сариқ лойни маҳалий тупроқдан олиб унга оловга чидамли тупроқ гулвата ва кварц - оқ тош қамиш пухи тузгак – тузоф ва турли хил органик моддалар сомон, қипик, тош кўмирларни қўшади.

Бугунги кунда мазкур сулоланинг энг ёш вакили Обиджон Нарзуллаев ҳам фаол ижодкорлардан ҳисобланади. Унда ранг ва шаклни ҳис этишда ажойиб қобилияти мавжуд. Обиджон ясаган буюмлар жуда енгил, гўё пат каби. Бу буюмлар қўлда жуда нафис ва ёқимли ҳис этилади. Ғиждувон кўзалари мухим жисмоний хусусиятга эга бўлиб, ўзида иссиқликни кучли сақлаб туради. Бунинг сабаби қамиш парининг лойга қўшилиши билан изоҳланади. У лойни қориш жараёнида қўшилади. Таркибида қамиш пари қоришмасидан тайёрланган буюмлар жуда узок вақт иссиқликни ушалб туриш хусусият касб этади. Буюмни қиздириш жараёнида бу пар ёниб кетадива идиш деворида қўплаб микроюзалар ҳосил қиласи ва натижада кўзачалар уникал термосга айланади.

Нарзуллаевлар сулоласи ишлаган буюмлар бадиий безаги билан ҳам тубдан ажralиб туради. Улар ҳом идиш юзасидан жуда қалин қатламда бўёқ суртмаси беришади ва буюм печда қиздирилиши жараёнида бўртма тасвир эффектини

беради. Ғиждувон усталари бу каби бўёқларни бир неча қатламларда беришади ва шундан сўнг буюмлар юзи сирланади. Натижада шишасимон бўртма безаклар ҳосил бўлади ва мазкур марказнинг ажраибтурувчи хусусиятига айланади. Бу каби кулолчилик буюмларининг сиртига ёруғлик тушганда нақшлар янада жилоланиб кетади. Нарзуллаевлар сулоласи вакиллари доимий изланишда. Масалан, сўнгги йилларда улар томонидан қора ғиждувон кулолчилиги росписи техникасини тиклашга муваффақ бўлишди. Бу албатта, чуқур илмий изланишлар асосида натижа берган.

Ибодулло Нарзуллаевнинг 11 та фарзанди бор. Уларнинг деярли барчаси отасининг хунарини давом эттиришган. Бугунги кунда сулоланинг саккизинчи авлоди хунар ўрганмоқда. Алишер ва Абдулла Нарзуллаевлар кулоллар авлодининг олтинчи бўғини ҳисобланиб, оталари Ибодулла Нарзуллаевдан мерос қолган кулолчилик устахонасида ижод қиласидар. Кулоллар томонидан ясалган товоқ, дуобикоса, машади коса, қўза, нақшин товоқлар билан бирга, уларнинг ижодида 60 дан ортиқ анъанавий шаклга риоя қилиш хусусиятлари хосдир. Ғиждувон кулолчилигининг ўзига хос жиҳатларидан бири, унда ҳайвонлар тасвирининг қўлланишидир. Юқори малака ва маҳоратга эга юқори авлод ҳамда маҳорат сирларини эгаллашга ошиқсан интилувчан ёш аждодлар – буларнинг барчаси кейинги муваффақиятлардан дарак беради. Алишер Нарзуллаевнинг уч ўғил ва бир қизи бор, уларнинг барчаси кулолчилик санъатининг сир асрорларидан хабардор. Мазкур сулоланинг салкам икки асрлик тарихи ҳалқ санъатининг анаъаналари нафақат сақланиб қолганлиги, балки Ғиждувон кулолчилик маркази ва Нарзуллаевлар сулоласи давомчилари саъии ҳаракати билан давом этаётганлигидан дарак беради.


## ИЛЛЮСТРАЦИЯЛАР



Ибодулла Нарзуллаев иш жараёнида.



Нарзуллаевлар ижодидан намуналар



Алишер Нарзуллаев ижодидан намуналар

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ: (REFERENCES)

1. Веймарн Б.В. Искусство Средней Азии, М., 1940.
2. Рахимов М.К. Художественная керамика Узбекистана. Ташкент, 1961.
3. Хакимов А. “История искусств Узбекистана”: Учебное пособие/А.Хакимов; – Т.: «Info Capital Group», 2018. –372 с.
4. Хакимова А. Художественное наследие ислама // Мозийдан садо, 2006. №2.
5. Хайитбобоева Х.П., Джўраева М.З. Тошкент ёғоч ўймакорлигигида Ибрагимовлар сулоласининг ўрни / Восточный ренессанс: инновационные, образовательные, естественные и социальные науки.
6. D Alimkulova - ACADEMICIA: An International Multidisciplinary, 2021
7. Култашева Н. Development of portrait of Uzbekistan during the early 20th century. Journal jf Contemporary Issues in Business and government. Vol.27 [https://cibg.org.au/article\\_9884.html](https://cibg.org.au/article_9884.html)
8. Максумова, Ф. А. (2022). Ландшафтный дизайн в городской среде. взгляд в прошлое, (SI-1).